ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар



КЎҲНА ШАҲАРЛАР БЎЙЛАБ САЁҲАТ 6-бет

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 145 (9.948) / 2003 ЙИЛ 25 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❐ **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлигида ўтган «Огоҳлик — муқаддас бурч» мавзуидаги йиғилишда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, педагог тарбиячилар ва маҳалла фаоллари иштирок этишди.

❐ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳумоюн маҳалласида «Саломатлик — туман бойлик» мавзусида йиғилиш ўтказилиб, унда Ибн Сино номли халқаро жамғарманинг вакиллари сўзга чиқдилар.

❐ **«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклубида олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун бадиий кеча уюштирилди

❐ **МАМЛАКАТИМИЗ** фуқароларига халқаро телефон алоқасини амалга оширишда қулайлик туғдириш мақсадида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси»нинг филиали янги халқаро телефон карточкасини аҳоли учун жорий қилди.

❐ **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон: анъана ва замонавийлик» мавзуидаги фотомухбир Рустам Шагаевнинг шахсий фотокўргазмаси очилди.

❐ **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ва «Меҳр таянчи» Тошкент шаҳар оғир шароитларда бўлган болалар учун ижтимоий хизматни ривожлантириш маркази ҳамкорлигида «Алоҳида эътиборга муҳтож болалар: муаммо ва ечимлар» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**Сув — бебаҳо, азиз неъмат. Шу боис ҳам унинг исрофгарчилигига йўл қўймаслик, авайлаб-асрашда ҳисоблагичларнинг ўзига хос ўрни бор. Шаҳримиздаги «Тошкент-Ценнер» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сув ҳисоблагичлар сифати ва рақобатбардошлиги билан истеъмолчилар талабини қондирмоқда ва тежамкорликда муҳим омил бўлмоқда.**

**СУРАТДА: қўшма корхонанинг илғор йиғувчиси Феруза Исҳоқова.**

**Сергей Любчич олган сурат.**



## МАСЪУЛИЯТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни баҳоланишига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов сўзга чиқди. Маърузачи асосий эътиборни иқтисодиётнинг устувор йўналишларида эришилган натижалар, уларнинг ижтимоий тузилмаларга бўлган таъсирига қаратди. Таъкидлаб ўтилганидек, ҳисобот даври мобайнида иқтисодий ривожланиш таъминланиб, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида барча соҳаларда муайян ютуқларга эришишга замин бўлди.

Чунончи, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 617,7 миллиард сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда 102,8 фоизга ўсиш кузатилди. Шу жумладан, саноатда ўсиш 106,9 фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда — 102,9 фоизни ташкил этди. Олти ой ичида 522,8 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги товар ва хизматлар экспорт қилинди, яъни ҳисобот даврида экспорт ҳажми 37,1 фоизга ўсди. Бу кўрсаткичлар давлат ва маҳаллий даромадлар тушумини истиқболли режага нисбатан ошириб бажаришга имконият яратди. Хусусан, давлат даромадлари тушуми 100,5 фоизни, маҳаллий бюджет даромадлари — 100,1 фоизни ташкил қилди. Бюджет маблағларини тақсимлашда биринчи навбатда иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақа, имтиёзли дори-дармонлар тўловларини қоплашга эътибор қаратилди. Жумладан, 10969 та кам таъминланган оилаларга 243 миллион сўм, 18 ёшгача фарзанди бўлган 20246 оилага 755,9 миллион сўм, 2 ёшгача фарзанди бўлган 9758 аёлларга 631,9 миллион сўм миқдорида нафақалар тўланди. Ёлғиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож 1012 нафақахўрларга биринчи навбатдаги меъёрий зарур озиқ-овқатлар учун 39,3 миллион сўмлик харажат қилинди.

Йиғилишда шунингдек, ижобий кўрсаткичлар қаторида туман ва корхоналар кесимида иқтисодиётнинг айрим тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни чуқур таҳлил қилинди, барқарор ривожланиш таъминланишига тўсиқ бўлаётган баъзи корхоналар фаолияти кескин танқидга олинди.

Масалан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Тошкент вино заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Нефтгазқурилишбутлаш», «Ўзбекқоғози» ишлаб чиқариш корхоналари, «Ипак йўли» ва Ўзбек-Туркия банкларининг солиқ бўйича кўрсаткичлари сезиларли камайиб кетган. Асосий солиқ манбаларидан экология ва даромадлар бўйича белгиланган истиқбол режаси таъминланмаган. Хусусан, Юнусобод туманида экология солиғи бўйича тушумлар 21 миллион сўм, Яккасарой туманида — 25 миллион сўм миқдорида таъминланмаган, Мирзо Улуғбек тумани бўйича бу рақам 259 миллион сўмни ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА БАҒИШЛАНГАН НАШР

**Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат марказида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига бағишланган статистик ва таҳлилий шарҳлар йиллик нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

«Ўзбекистон иқтисодиёти 2002» деб номланган мазкур нашрда иқтисодий соҳадаги ўсиш, ўзгаришлар, умуман мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши турли жадваллар ва чизмалар, таҳлилий маълумотларда кенг шарҳлаб берилган.

У Самарали иқтисодий сиёсат маркази, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимни ҳаётга жорий этишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси EuropeAid ҳамда АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги - USAID ҳамкорлигида ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди. Нашрда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига мустақил экспертларнинг холисона ёндашуви ўз аксини топган.

— Мазкур нашр ўқувчига Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақида аниқ ва қимматли маълумотларни беради, - деди EuropeAid лойиҳаси раҳбари Адриан Стрейн. - Унда Ўзбекистоннинг макроиқтисодий сиёсати, институционал ва бозор ислоҳотлари, таркибий-инвестицион сиёсат, ташқи савдо, аҳоли фаровонлиги ва меҳнат бозори ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши атрофлича таҳлил этилган.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари бўйича тузилган парламент комиссияси таркибидаги ижтимоий сиёсат масалалари кичик комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2003 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга бағишланган мажлиси ўтказилди.**

● **Пойтахт вилояти фаолларини Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган йиғилишида Мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот ходимлари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.**

● **Тошкентдаги Банклараро молиявий хизматлар марказида «Республика фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Олий адабиёт курсининг илк қалдирғочларига дипломлар топширилди.**

● **Тошкент шаҳри марказида Швейцарияда ишлаб чиқарилган соатлар билан савдо қиладиган «CHRONOS» дўкони очилди.**

### Жаҳонда

● **Вашингтонда Исроил Бош вазири Ариель Шарон билан биргаликда матбуот анжумани ўтказган АҚШ давлат котиби Колин Пауэл Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш мақсадида тузилган «Йўл харитаси» лойиҳаси доирасида ижодий ишлар олиб борилаётганлигини юқори баҳолади.**

● **Эрон ҳукумати ўз қамоқхоналаридаги маҳбуслар орасида «Ал-Қоида» ташкилотининг юқори мартабали вакиллари ҳам борлигини илк бор тан олди.**

● **Ҳиндистон Покистон жангариларини Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатидаги зиёратчилар қароргоҳида террорчилик ҳаракатларини амалга оширганликда айблайди.**

● **Швейцария банки Либерия Президенти Чарльз Тейлор тарафдорлари бўлган шахснинг ҳисоб рақамларини музлатиб қўйди. Музлатилган маблағлар 2 миллионга яқин Швейцария франкини ташкил этади.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндошлик ҳақида маълумот берсангиз.**

**М. Бердиева, уй бекаси.**

Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир, она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўгай ҳисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

* * *

**Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш ҳақида билмоқчи эдик.**

**Р. Камолов, М. Ризаев, талабалар.**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

Ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган оилага ёки муассасаларга тарбиялаш учун жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар васийлик (ҳомийлик) мажбуриятларини бажариш вақтинча васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

* * *

**Ўзбекистон Республикасида ўзаро никоҳ тузган чет эл фуқароларининг никоҳдан ажралишини қайд этиш қандай амалга оширилади?**

**М. Усмонова, аспирант.**

Ўзбекистон Республикасида ўзаро никоҳ тузган чет эл фуқароларининг никоҳдан ажралишини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

* * *

**Шифобахш гиёҳлар қаторида гулхайри ўсимлиги ҳам тилга олинади. Унинг шифобахш хусусиятлари нималардан иборат?**

**У. Абдуазимова, тадбиркор.**

Гулхайри турлари илдизидан тайёрланган дамлама кўк йўтал, ўпка шамоллаши, нафас қисиши, кўкрак оғриғи касалликларида юмшатувчи, оғриқ қолдирувчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, дизентерия, буйрак, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликларида, томоқ яллиғланишида, болаларнинг ичи кетганда қўлланилади.

Гулхайри турлари илдизидан дамлама тайёрлаш учун бирор идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув қуйилади ва 4 чой қошиқ майдаланган илдиздан солиб, 8 соат қўйиб қўйилади, сўнгра докада сузилади. Кунига уч-тўрт маҳал ярим стакандан ичилади.

Ўсимлик июнь-августда гуллаб, июль-сентябрда уруғлайди.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ҳисобот даврида Миробод, Шайхонтоҳур, Бектемир, Акмал Икромов туманлари бўйича боқимандалик масаласи ҳал этилмаганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда шаҳар бўйича Акмал Икромов тумани ягона дотация бериладиган туман ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 2 миллиард сўмлик дотация ажратилишига қарамасдан, ушбу туманнинг боқимандa қарзлари 1,3 миллиард сўмни ташкил қилиб турибди.

Бундан ташқари, саноатда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми юқори таъминланган бўлса-да, ўтган вақт ичида ҳар бир учинчи корхонада ўсиш суръати пасайиши оқибатида 29 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмади.

Фаоллар йиғилишида бозор шароити ва талабларига ҳануз ўта секинлик билан мослашаётган, инвестициялар жалб этиш, янги технологиялар киритиш, ускуналарни модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан жиддий шуғулланмаётган корхоналар раҳбарлари қаттиқ танқид остига олинди. Шунингдек, айрим акциядорлик жамиятларида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишлари жараёни қониқарсиз деб баҳоланди. Жумладан, неча йилдан буён зарар кўриб ишлаётган «Тошсут», «Ўзкимёфарм» корхоналари, 1-темир-бетон ишлаб чиқариш заводи раҳбарлари акциядорларнинг йиғилишида жамият раислари этиб қайтадан сайлангани кишини ажаблантиради.

Йиғилишда хусусий мулкнинг лаб чиқариш, қурилиш, савдодаги улуши сезиларли даражада пасайиши кузатилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда йиғилишда ҳар бир бошқарув тармоқларида камчиликларни бартараф этиш зарурлиги, барча тоифадаги раҳбарлар маъмурият тизимида ва ишлаб чиқаришда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга масъулиятини кучайтириши лозимлиги таъкидланди, айрим тармоқлардa мушкул вазиятни яхшилаш борасида тавсиялар берилди, шунингдек ишлаб чиқариш майдонлари ва қувватларидан самарали фойдаланиш ва бу борада тадбиркорлик тузилмаларидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиш таклифи киритилди.

Йиғилишда шунингдек, капитал

# МАСЪУЛИЯТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Бундай ҳолат Мирзо Улуғбек, Бектемир, Ҳамза, Миробод, Сергели, Чилонзор, яъни аксарият ишлаб чиқариш туманларига тааллуқлидир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам шундай вазият юзага келган. 57 корхонада 25 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши таъминланмади. Улар қаторида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам мавжуд. «Мармакс» ва «Локколорсинтез» қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

6 ой давомида 97 номда янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди, бироқ 114 турдаги товарлар ишлаб чиқарилишининг тўхтатилганлиги ачинарли ҳолдир. Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманларидаги корхоналарнинг бу борадаги иштироки эса умуман сезилгани йўқ.

Корхона ва ташкилотлар молия-хўжалик фаолияти муҳокамаси давомида айрим хўжалик раҳбарларининг ойлик иш ҳақини вақтида таъминлаш масаласига масъулиятсизлик билан ёндошаётганига ҳам урғу бериб ўтилди. Хусусан, ҳисобот даврида Тошкент тўқимачилик комбинатининг ўз ишчи ва хизматчилар олдидаги қарзи 314 миллион сўм, «Ўзбекқоғози» қарзи — 123 миллион сўм, «Алгоритм» корхонасиники эса 36 миллион сўмни ташкил қилди. Бу борада Ҳамза туманидаги 21 корхонада иш ҳақи бўйича қарзлар 1,1 миллиард сўм, Чилонзор тумани бўйича 35 та корхонада 723 миллион сўмга тенгдир. Шаҳар кесимида бу кўрсаткич 4 миллиард сўмни ташкил қилди.

иқтисодиётдаги ролини ошириш бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси кўнгилдагидек таъминланмаётгани ҳақида ҳам сўз борди. Хусусан, жорий йилда 179 та корхонани хусусийлаштириш белгиланган бўлса, ҳисобот даврига келиб, яъни ярим йил ичида фақат 7 та корхонанинг акциялари сотилди, 45 та корхонанинг қимматли қоғозлари баҳоланди, 14 тасиники сотувга чиқарилди.

Кўп корхона ва ташкилотларда самарасиз, мақсадсиз фойдаланилаётган майдонлар мавжудлиги масаласи долзарблигича қолмоқда. Масалан, Яккасарой туманида 40 гектарга тенг ишлаб чиқариш майдонида бир нечта корхона фаолият юритса-да, унинг ишчи жойлари 1300 та кишига мўлжалланган бўлиб, ўтган вақт ичида атиги 2 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилганини реал вазиятга мантиқий боғлаш қийин.

Бундай ҳолат ишлаб чиқариш майдонлари, хом ашё ва материаллар, кредит ресурсларига катта эҳтиёж сезаётган тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига ғов бўлаётгани тушунарли албатта. 6 ой давомида 2294 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил қилинган бўлиб, улар ҳисобига 5282 та янги иш ўринлари очилди. Аммо рўйхатдан ўтган 26205 тадбиркорлик субъектларидан 6350 таси, яни тўртдан бир қисми турли сабабларга кўра фаолият юритмаётгани ачинарлидир. Бунинг оқибатида ҳисобот даврида кичик ва ўрта бизнеснинг иш-

қурилиш ва коммунал соҳасидаги ислоҳотлар жараёни ҳам таҳлил қилинди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамасида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шавкат Қосимов, Молия бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Тоҳиров, Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панаев, шаҳар ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Шуҳрат Абдуқодиров, Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Алишер Каримов, туман ҳокимлари ва айрим корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш вазифаларини Президентимиз Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш борасидаги муҳим тамойиллар асосида изчил амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама давомида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар, тавсия ва таклифларни инобатга олган ҳолда ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов иштирок этди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**• КЎРГАЗМАЛАР**

# КИЧИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРИГИ

**Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазмалар марказининг муҳташам марказий павильонида «Минитех—2003» кўргазмасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Мазкур кўргазмани Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ҳамда республикамиз вилоятлари Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ҳамкорликда ташкил этдилар. «Минитех—2003» кичик ишлаб чиқариш корхоналари учун мини технологиялар ва компакт жиҳозлар ҳамда жойлардаги ҳудудий кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари — 2003 «Кичик ва ўрта бизнес субъектлари маҳсулотлари» кўргазмаларининг давоми бўлиб, пойтахт ва Тошкент вилоятларида фаолият юритаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда эришган ютуқларининг намойиши сифатида ташкил этилди.

Ушбу кўргазмалар ўтган ойнинг охирларида Урганч шаҳрида очилиб, сўнгра Қарши, Самарқанд, Гулистон ҳамда Андижонда давом этди. Шунинг билан биргаликда кўргазмаларда кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун ташқи иқтисодиёт, маркетинг, реклама ҳамда сертификациялаш масалалари юзасидан семинарлар ўтказилди.

Ушбу кўргазмаларда «Тошкент трактор заводи» Давлат хиссадорлик жамияти, «Colorflex» Ўзбекистон-Буюк Британия, «Вольфсон Шарқ Интерпрайзис» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналари, «Араббой» хусусий фирмаси, «PACK LINE», «MARAU» (Исроил), «UTPAKO» (Германия) фирмалари каби кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаол иштирок этдилар.

Кўргазманинг кичик технологиялар бўлимида мини технология ва кичик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи 20 дан зиёд маҳаллий ва хорижий фирма ва компанияларнинг вакиллари, маҳсулотлар бўлимида эса пойтахт ва Тошкент вилоятининг 180 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида ўтказилган кўргазма юртимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибордан яна бир далолатдир.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## «02»: ҲОДИСА

◆ Жамиятда турфа хил қинғир йўллар орқали кун кечиришга одатланган айрим нопок кимсалар ҳам учраб туради. Юнусобод тумани Лангар кўчасида яшовчи М. Муродҷон исмли йигит ҳам айни билаклари куч-қувватга тўлган бўлса-да, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига, хаёлига келган қинғир бир ишга қўл урди. У оқибати нима билан тугашини ҳам ўйламай, Инжобод кўчаси, 12-уйда истиқомат қилувчи фуқаро М. Шералиеванинг хонадонидан 800 минг сўм пулларини ўмариб кетди. Аммо «Бировнинг мулки ўзгага буюрмас» деганларидек, бугунги кунда ўғирланган пуллар ўғрига пушаймонлик келтирди.

◆ Яккасарой тумани ИИБ навбатчилик қисмига, Абдуллаев кўчасида жойлашган 9-уйнинг 31-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро В. Фёдорова мурожаат қилиб, уйи олдидаги омборхонасида ўғирлик содир этилганини хабар қилди. Ушбу манзилда қисқа вақтлар оралиғида ҳозир бўлган тезкор-тергов гуруҳи ходимларининг суриштирувлари натижасида, омборхона эшигини бузиш йўли орқали ичкарига кириб, умумий қиймати 40 минг сўм миқдорида баҳоланадиган турли буюмларни ўғирлаб кетган шахс шу туманда яшовчи П. Алексей эканлиги аниқланди. Шундай қинғир ҳаракатлари туфайли муқаддам ҳам темир панжара ортида ҳаётини кўриб қайтган бу қонунбузарнинг яна қўлларига кишан солинди.

◆ Сувчи кўчасида яшовчи П. Бахтиёр исмли йигит ҳам бирон жойда ишламаса-да, аммо ўзича пул ишлашнинг «осонгина» йўлини топди шекилли Юнусобод тумани, 4-мавзеда жойлашган 42-уйнинг олдидан ўтаётиб, шу ерда «ов» қилмоқликни дилига тугди. Мўлжалига олган фуқаро В. Королёванинг хонадонига дераза орқали ошиб тушиб, кўзига яхши кўринган «Электроника» русумли телевизор, битта видеомагнитофон, битта гилам, бир нечта биллур идишлар ва турли хил аёллар кийимларини ўмариб кетди. Мазкур жиноий ҳолат юзасидан воқеа жойига етиб келган ички ишлар ходимларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида ҳозирда жиноятчи қўлга олинган бўлиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Ҳамза тумани ИИБ навбатчилик қисмига Лисунов-1 мавзеси 63-уйнинг фуқаро Ш. Элтаевга тегишли 18-хонадонда ўғирлик содир этилганлиги тўғрисида хабар келиб тушди. Мазкур манзилга қисқа фурсатлар оралиғида етиб келган милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида, илгари судланган бўлса-да, аммо ҳанузгача ўзига тўғри йўлни танламаган, Лисунов-1 мавзесида яшовчи Х.Ринат қўлга олинди. Ҳозирда у, ушбу уйга балкон орқали кириб,«LG» телевизори, аудио-магнитафон ва бошқа хўжалик буюмларини ўғирлаб кетганлигини тан олиб, бундан қаттиқ афсусда эканлигини билдирмоқда.

◆ Халқ орасида «Ёлғоннинг умри қисқа» деган нақл бор. Аммо айрим «уддабурон» кимсалар ушбу гапнинг маъно-моҳиятини англаб етиш ўрнига, аксинча, мияларига ўрнашиб қолган найрангларини соддадил фуқароларимизга нисбатан қўллаш пайида бўладилар. Яқинда Сергели тумани ҳудудида жойлашган Сергели авто эҳтиёт қисмлари бозорида Йўлдош-9 мавзесида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Василий, Усмон Носир кўчасида яшовчи К. Радион ҳамда Чилонзор туманининг 17-мавзесида яшовчи У. Семён исмли шахслар ўзаро тил бириктириб Чирчиқ шаҳри, Низомий кўчасидаги 38-уйда истиқомат қилувчи танишлари — хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи А. Махсумовни «эҳтиёт қисмлари олиб берамиз» деб алдаб, унинг 500 минг сўм пулларини олиб, қайтариб беришмаган. Ҳозирда ушбу фирибгарлар милиция ходимлари томонидан қўлга олиниб қилмишлари фош этилди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Матбуот маркази нозири.**

• ЮРГАН ДАРЁ

# АЗИМ ШАҲАРЛАРГА САЁҲАТ ҚИЛИШДИ



**Шоир,**
**Самарқанд сайқали рўйи заминаст,**
**Бухоро қуввати исломи династ,**
**дея ёзганида Самарқанднинг курраи заминдаги гўзал шаҳар эканлигидан, Бухорои шарифнинг уламолар юрти бўлганлигидан ҳайратланган бўлса ажаб эмас. Ҳақиқатан ҳам бу шаҳарларнинг чиройи, тароватi ҳаммани ўзига ром этиб келади. Самарқанду Бухорода ота-боболаримиз томонидан бунёд этилган обидаларни томоша қилишни хоҳламаган киши юртимизда топилмаса керак.**

Яқинда пойтахтимиздан бир гуруҳ меҳрга, саховатга ташна инсонлар бу кўҳна икки азим шаҳарга саёҳат қилишди. Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу саёҳатга асосан мазкур жамиятнинг аъзолари жалб этилди.

— Ушбу саёҳатни уюштиришдан мақсад, — дейди бу ҳақда Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти раиси Ҳабибулла Жалилов, — очиғи, имконияти чекланган, ногирон, меҳрга ташна инсонлар кўнглини чоғ этиш, ота-боболаримиздан мерос қолган тарихий ёдгорликлар ва уларнинг аҳамиятини яна бир марта дилдан ҳис эта олишларига кўмаклашиш эди.

Ҳақиқатан ҳам саёҳатчилар бир ҳафта мобайнида бу икки азим шаҳарнинг барчани лол қолдиргувчи обидаларини томоша қилдилар. Айниқса, Самарқанддаги Регистон майдонида жойлашган Гўри Амир мақбараси, Бибихоним, Шердор мадрасалари, Улуғбек расадхонаси, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси саёҳатчиларни ўзига ром этгани шубҳасиз. Бухородаги Минораи Калон, Лаби ҳовуз, Амир арки ва бошқа ёдгорликлар гўзаллигидан эса саёҳатчилар ҳайратланишди.

— Ушбу саёҳат, — дейди қатнашчилардан бири А.Расулов, — менда юртимга, Ватанимизга бўлган фахр-ифтихор туйғуларини янада кучайтирди. Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқи буюк халқ. Ёшларимиз бундан фахрлансалар арзийди. Шу боисдан ота-боболаримиз тарихини, улар қолдирган илмлар хазинасини мукаммал ўрганмоқ зарур ва шартдир.

Ушбу тадбир саёҳатчилар кўнгилларини шод этди ва улар пойтахтимизга кўтаринки кайфият билан қайтиб келишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЛАФЗСИЗЛИК КИШИГА ЯРАШМАЙДИ

Бировни кутишдан ёмони йўқ. Айниқса борадиган жойингиздан ёки ишдан кечикаётган бўлсангиз.

Яқин бир қадрдонимиз тўй қилаётган эди. Эрталабки ошга таклиф этганди. Беминнат дастёрим, набирам Беҳзод кечки овқатдан сўнг:

— Бобо, эрталаб ошнангиз Файзулла отаникига ошга борамиз-а, эсингиздами? — деб қолди.

— Дарвоқе, хаёлимдан кўтарилай дебди бутам. Эрталаб сен ўзинг боравер, менга ҳамроҳ топилди. Тунов куни Сотволди деган бир танишим билан учрашиб қолувдик. У кўярда-қўймай ошга бирга боришимизни илтимос қилди. Келишиб қўйганмиз. Машинасида эрталаб соат 5 да келиб мени олиб кетади.

— Келиши аниқ бўлса, эрта туриб мен сизни пойлаймай ўзим кетавераманда бобо, — деди Беҳзод.

Келишдик.

Сизни билмадиму, лекин мен кўпинча бирор жойга ошга таклиф этилган бўлсам ғафлат босиб ухлаб қолмай, деган хаёлда кечаси билан яхши ухлолмай тўлғониб чиқаман. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Соат тунги иккидан бошлаб уйқум бузилди. Ҳали эрта яна бироз мижжа қоқай деб шунча уриндим бўлмади. Хуллас, тоқатим тоқ бўлиб, соат уч яримдан бошлаб туриб олдим. Тайёргарлик ниҳоясига етгач соат тўрт яримда эшик тагига чиқиб олдим. Тағин Сотволди эртароқ келиб мени кутиб қолмасин дедимда. Бу орада набирам Беҳзод ҳам: «Бобо, ўша ерда учрашамиз», деб машинасини ҳайдаб жўнаб кетди.

Азалдан одатим шунақа. Биров билан бирор ерда учрашишга келишсак белгиланган ерга 10-15 дақиқа олдин бориб тураман. Пойлаб қолмасин деймaн. Шундай қилиб кўчамиз бўйлаб у ёқдан бу ёққа бориб келавериб, ярим соат вақтни ўтказдим. Сотволдидан дарак йўқ. Бироз кечикса ҳам барибир келадику, деб ўзимни юпатдим. Энди дақиқалар имиллаб ўта бошлади. Кўзим йўлга тўрт. Ўтган-кетган машина борки, шуми экан, деб умид билан унга тикиламан. Хуллас шу алпозда орадан яна ярим соат вақт ўтди.

Шу дамда эшик тағини супуриб-сидириш учун аёлим ташқарига чиқиб қолди. У мени кўриб ҳайрон бўлди.

—Вой, ҳали ҳам кетмадингизми, отаси?

— Йўқ, Сотволдини кутяпман.

— Ўртоғингизнинг эсидан чиқиб кетган бўлмасин тағин. Телефон рақами бўлса уйига қўнғироқ қила қолмайсизми?

Шу гапдан кейин уйга кириб Сотволди берган телефон рақамини қидириб топдимда, уникига қўнғироқ қилдим. Гўшакдан аёл кишининг уйқусираган овози эшитилди.

— Алё.

— Кечирасиз, мен Зийрак бобоман. Сотволди билан дўстимиз Файзулланикига ошга бормоқчи эдик. Кутяпман келмаяпти.

— Вой, ҳали ҳам кутиб турибсизми? Ахир у киши эрта саҳар туриб улфатлари билан Эргаш ака деган яқинлариникига ошга кетиб қолдиларку.

—Янглишмаяпсизми келин?

— Йўқ, менга тайинлаб кетгандилар. Агар Зийрак бобо телефон қилиб қолса узримни айтиб қўй деб. Ўзингиз ҳам қизиқ экансиз. Шунча кутгандан кўра эртароқ телефон қилсангиз бўлмасмиди.

Гап шу ерга етганда гўшакни жойига қўйдим. Соатга қарасам, олтига яқинлашибди. Жадал эшик томон юрдим. Аёлим кўриб:

— Энди кеч қолдингиз отаси. Чилонзор бир тупканинг тагида бўлса, етиб боргунингизча анча вақт ўтиб кетади. Эссизгина, шундай экан тайёр машинада набирангиз Беҳзод билан кетаверсангиз бўларкан.

Бир ваъдабозни деб қанча вақтимни йўқотиб, уйдагилар олдида мулзам бўлдим. Бунинг устига қадрдон дўстимникига ошга боролмай қолдим. Бундан ортиқ кўнгилсизлик бўладими?

Азизлар балки, сизлар билан ҳам шундай ҳол рўй бергандир. Демоқчиманки, бировга ваъда бердингизми, унинг устидан чиқинг. Лафзсизлик кишини бебурд қилади.

## НАРХЛАРИ НЕГА ҲАР ХИЛ?

Иссиқ жон. Куни кеча чопқиллаб юрган набирамиз Зумрадхон бир кунда иссиғи кўтарилиб ётиб қолди. «Тез ёрдам» чақирдик. Етиб келган шифокорлар дастлабки ёрдамни кўрсатиб керакли дори-дармонларни ёзиб беришди.

Яқин атрофдаги дорихоналардан бирига кириб, сотувчининг қўлига дори-дармонлар ёзилган рўйхатни тутдик. Хайрият, олти турдаги дориларнинг ҳаммаси бор экан. Сотувчи пештахтадан керакли дори-дармонларни олиб жамлади да, ҳисоблаб чиқди ва бизга қараб:

— Мана отахон, 17 минг 800 сўм берсангиз бўлади, — деб олдимизга буюртмамизни суриб қўйди.

Ҳамёнимиздаги пулимиз 10 мингга етар-етмас экан. Орқага, уйга қайтишимизга тўғри келди.

— Нима қилай ота, бир четга қўя турайми буларни, келиб олиб кетасизми?

— Майли, — дедик ҳижолат тортиб. Уйга қайтишимиз билан қизим:

— Ота олиб келган дориларингиз қани? — деб сўради.

— Уларнинг ҳаммасига пулимиз етмай қолди, болам.

— Бошқа дорихонага кира қолмадингизми?

— Ҳаммасида ҳам шунақа нарҳда.

— Вой, йўқ, — деди эътироз билдириб қизим. — Ҳаммасида дориларнинг нархи ҳар хил ота.

Хуллас айтилган пулни олиб яна дорихонага жўнадик.

— Ҳар эҳтимолга қарши бошқа дорихонага ҳам кириб сўраб кўрингчи нархини, — деди қизим эшикдан чиқаётганимда уқдириб. Ке, бошқасига кириб кўрсам кўрайчи, деб бу сафар ўзга бир дорихонага бордим. Бу ерда ҳам биз истаган дорилар бор экан. Нархини сўраб-суриштирсак сотувчи ҳисоблаб кўриб 17 мингга етаретмас пулни айтди. Биринчисидан, анча кам нархни эшитиб ҳайрон бўлдик. Балки сотувчи янглишдимикан, деган хаёлда:

— Тўғри ҳисобладингизми? — сўрадик ундан.

— Мана ота, ҳаммаси тўғри.

У нархларни яна бирма-бир ҳисоблаб кўрсатди. Раҳмат айтиб, харидимизни олиб уйга қайтдик. Эртасига қўлимизга ёзиб берилган дорилар нархини яна бир бор синаб кўриш учун атайлаб Аҳмад Дониш кўчасининг Универсам бекати яқинида жойлашган дорихонага кирдик. Сотувчи ҳисоблаб кўриб, «14 минг сўм бўлади», деди. Ундан нега нарх-наво учта дорихонада уч хил эканлигини сўраганимизда сотувчи кулиб:

—Бошқаларни билмадиму, лекин бизнинг дўконимиз шаҳардаги энг арзон дорихона ҳисобланади, — деб қўйди.

Бир маҳсулотдан иккинчисининг нарх-навосида фарқи борлигини биламиз, лекин дори-дармоннинг нархида бундай тафовут борлигини билмас эканмиз.

## АНА БУНИ ИХТИРО ДЕСА БЎЛАДИ

Ҳозир нима кўп, эълонлар кўп. Илгари улар билан газета ва журналлар орқали танишардик. Ҳозир ҳар қадамда бундай ҳолни учратамиз. Йўл чеккаларидаги дарахтлар, симёғочлар, хуллас кўққайиб турган нарса борки, унга эълон ёпиштирилган бўлади. Уларнинг орасида зарур ва нозаруларидан тортиб, ҳатто алмойи-алжойиларигача бор. Баъзан ўқиб туриб «Ё тавба, энди шунақаси ҳам чиқибди-да», дея ҳайратдан ёқа ушлайсиз.

Мана улардан бири.

«Абитуриентлар учун: «Ахборотнома», «Вестник», 1996—2003 йил жавоблари. Қулай ва арзон шпаргалка». Унинг тагида бежирим қилиб сотувчининг телефон рақами ҳам ёзиб қўйилган.

Энди ўзингиз айтинг, дафъатан бу эълонни ўқиган киши абитуриентларга кириш имтиҳонларидан ўтишларини нақд қилиб қўйган бу ихтирочининг отасига раҳмат айтадими, йўқми? Ахир «тест» деган муаммони осонгина ҳал этиб, ундаги саволларнинг жавобига олдиндан калит топиб қўйилган бўлса буни қулайлик демай бўладими? Яшасин-ей, ана бу чинакам ихтиро.

Лекин бу ҳақда бир мутахассиснинг сўзларини тинглаб юқоридаги фикрларимиз нотўғри ва бу нарса бориб турган фирибгарликдан иборат эканлигини тушундик.

— Бундай фирибгарлар жабрланувчига алдов йўли билан таъсир ўтказиб унга моддий ва маънавий зарар етказадилар холос. Чунки ҳар йили тест давомида қўлланиладиган саволларнинг асл жавоб вариантлари давлат юқори органларида ишлайдиган махсус шахслар томонидан ҳимоя қилинади.

Демак, шундай экан, азиз абитуриентлар, омадингизни фалон пулга сотиб олинган сохта шпаргалка орқали эмас, балки ўз кучингиз ила синаб кўрганингиз маъқул.

• ТАДБИРЛАР

# Сурнай сеҳри

**Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими мазкур истироҳат боғи билан ҳамкорликда Ватанимиз истиқлолининг 12 йиллигига бағишланган «Аждодлар мероси — олтин мерос» туркумида «Сурнай сеҳри» деб номланган адабий-мусиқий, урф-одат, анъана ва қадриятлар сайлини ўтказишди.**

Сурнай халқимиз неча асрдан бери асраб-авайлаб келаётган ва тўй-ҳашамларимизга файз-шукуҳ бағишлаётган ажойиб миллий мусиқа асбобларимиздандир. Тадбирда Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Республика бошқаруви раиси Амирқул Каримов ҳамда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Музаффар Жаъфаров сўзга чиқиб, Истиқлол йилларида халқимизнинг қадимий миллий қадриятларини тиклаш, асраб-авайлаш ва тарғиб этишга кенг эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Кечада устоз сурнайчиларнинг табаррук номлари тилга олиниб, хотираларига ҳурмат бажо этилди. «Ал Аббос», «Ўзбегим», «Офарин», «Устазода», «Тошкент» сурнайчилар гуруҳларининг ижро этган куй-қўшиқлари «Сурнай сеҳри» байрамига ўзгача тароват бағишлади. Шунингдек, тадбир доирасида ташкил этилган «Сурнай тарихи» кўргазмаси ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этди.

**Юлдуз УСМОН**

# Миллий қадриятлар ёшлар эътиборида

**Яккасарой тумани педагог тарбиячилар маркази ташаббуси билан «Дамариқ» маҳалласида «Ислом — ўзбегим сиймосида» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тумандаги Абдулла Қаҳҳор, «Бошлиқ», «Конституция» маҳаллаларининг вояга етмаган ёшлари ўртасида ўтказилган ушбу тадбирда Тошкент Давлат ислом университети талабалари иштирок этишиб, ўсмир ёшларга диний ва дунёвий илмлар, маънавий ва маданий қадриятлар, миллий урф-одатлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, давра суҳбатида диний ақидапарастликнинг салбий оқибатлари, муомала ва саломлашиш одоби ҳақида ҳам гапирилиб, Ислом инсонларни эзгулик ва яхшиликка чорлаши тўғрисида ёшларнинг шахсий фикрлари тингланди.

Давра суҳбатида педагог тарбиячилар қизларнинг одоб-ахлоқи, уларнинг ота-она олдидаги бурчлари, шунингдек кийиниш маданияти ҳақида ҳам тушунтиришлар беришди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**Германиялик олий тоифадаги мутахассис Эрнест Талер Ўзбекистоннинг етакчи футбол мураббийлари ўртасида олиб борган икки ҳафталик машғулотлар ниҳоясига етди. У Германия миллий олимпиада қўмитаси топшириғига кўра, Ўзбекистонга келган эди.**

# Ўзбек футболи равнақи учун

Республика Олимпия шуҳрати музейида германиялик мутахассис раҳбарлигида услубий ва амалий тайёргарликдан ўтган 20 нафар мураббийга сертификатлар топширилди.

Бу ерга йиғилган спорт ташкилотлари вакиллари, спортчи ва элчилар ўзбек футболини ривожлантиришга қаратилган мазкур алоқаларнинг нафи хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Мартин Хеккер ҳар қандай фойдали ҳамкорликни давом эттириш зарурлигини қайд этди. Немис мутахассиси томонидан хайрли иш амалга оширилди, икки мамлакатнинг дўстона алоқаларини ривожлантириш учун ҳам уни давом эттириш зарур.

Э. Таллер машғулотларга кўнгилдагидек шароит яратиб берилгани учун миннатдорчилик билдирди, шунингдек Ўзбекистон футболчиларининг катта имкониятлари борлигини маълум қилди. Унинг қайд этишича ўзбек мураббийларининг янгиликка интилиши мулоқотларда ва касбий соҳада дарров тил топишишга имкон берди. Немис мутахассисининг фикрига кўра, бундай машғулотларни тез-тез, турли тоифадаги мураббийлар орасида ўтказиб туриш лозим.

— Кўплаб машҳур тренерлар билан ишлашимга тўғри келган, — деди ўзбек футболининг фахри Бrandomодар Абдураимов. — Бўлиб ўтган машғулотлар чоғида албатта бахслашувлар ҳам бўлди. Аммо энг муҳими, биз кўп нарса ўргандик. Машғулотлар бизни Европа ва Жаҳон футболидаги янги ўзгаришлар билан таништирди.

*"Туркистон-пресс"*

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

UJB

*Ҳурматли юртдошлар!*
*«Ўзуйжойжамғармабанк» Сизга пулингизни ва вақтингизни тежайдиган «Коммунал» омонатини таклиф этади.*

**«КОММУНАЛ» ОМОНАТИ**
**БУ СИЗНИНГ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНГИЗНИНГ БАНК ФОИЗИ ҲИСОБИГА ТЎЛАНИШИДИР.**

☞ «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳар ойда Сизнинг коммунал тўловларингизни тўлаб боради ва Сизнинг коммунал тўловларингиз бўйича бухгалтерия ҳисоб-китобларингизни олиб боради.

☞ Коммунал омонатининг шарти: ҳисоб рақамини очиш учун ўзингиз билан паспорт, нақд пул ва коммунал ташкилотларига тўловлар ҳисоб рақамларингиз бўйича маълумот тақдим қиласиз.



☞ Сиз бирламчи тўловни ўзингиз белгилайсиз.

☞ Даромад йиллик 40% (ойлик 3.33%) миқдорида ҳисобланади.

☞ Белгиланган муддат тугагач омонатда сақланаётган маблағларнинг барчаси тўлалигича омонатчига қайтарилади.

**«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК» — ИШОНЧЛИЛИК, АНИҚЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК!**

*Сиз «Коммунал» омонатини «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг исталган омонат кассасида очишингиз мумкин. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 132-13-18, 133-31-62 факс: 133-03-53; e-mail: treasury@sarkor.com www.uzujb.com*

Лицензия № 55 от 24.03.97г.

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● — Иззат-ҳурмат ота ва онани, шунингдек болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир; у ота-онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради.

● Сиз ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тутинг.

● Фарзанд ота-она учун жондир. Бордию у ноқобил бўлса озори жондир.

● Ёмон фарзанд ота-она учун бадандаги ортиқча бармоқ, кесиб ташласа оғрийди, тек қўйса айб саналади.

Ҳикоят: кунлардан бир кун денгиз остида бир қора тош гавҳар билан мунозара қилишга киришди ва мақтаниб деди. — Дарё биз билан ҳаёт, денгиз биз билан тўлаю шитобдир. Ўзим мушкин ранглиман, қошлар қорасига ўхшайман. Офтоб талаб гўзаллар юзидаги қора ҳол ҳам менинг рангим каби қора, кўзларининг қорачиғи эса рангим каби сара, ҳинд паризодларига кўз қисаман. Яшил либосларга қора нуқта бўламан. Сен эса оқ ранглисан, менинг олдимда рангинг бир пулдир.

Шу пайтда уларнинг олдига сузиб келган балиқ тошнинг барча гапларини эшитди, унинг гавҳарга юраги эзилди. Хасрат тикони оёғига қадалиб деди:

— Эй гавҳар, шунчалик қадр-қимматинг бўла туриб, нега тошга жавоб айтмайсан, уни лол қилмайсан?

Гавҳар деди:

— Эй балиқ, қўявер, ҳакимлар сўзини эшитмаганмисан, улар шундай дейишади:

**Бор эканки қуёш нури оламда,**
**Қуёшга мақтовдир, у нур ҳар дамда.**
**Кимки ёмон деса қуёшни агар,**
**Ўзи учун ёмонлик тилар.**

Агар бу қора юзли ҳудбинлик лофини урса ҳам, уни ҳеч ким қадрламайди, мен гарчи мақтанмасам ҳам, ҳамма менинг ёрқинлигимни билади. Нуқта агар қуёшга доғ бўламан деса, бу унинг нодонлигидир. Бир улуғ кишидан: «Одам қачон ёмон бўла бошлайди, деб сўрадилар. У: «Ўзини яхши деб тасаввур қила бошлаганда» деб жавоб берди.

Байт:

**Ақлли одамларга камтарлик**
**муносибдир,**
**Ўқ осмонга чиқса ҳам**
**қайтиб ерга тушадир.**

Шу пайт тепадан гавҳар қидирувчи ғаввос келиб қолди. Гавҳар билан тошни олиб тепага чиқди. Оқ қорани танувчи саррофлар дурдона гавҳарни ўраб-чирмаб қўйдилар, тошни эса ерга урдилар. Шунда гавҳар тошга деди:

— Эй тош, қани боягина ураётган лоф-қофинг?

Тош унга:

— Гавҳари пок билан ифлос ҳоқ қачон тенг бўлсин, деб афсус чекди.

Эй азизим, қобил фарзанд ота-она учун гавҳардек пок бўлса, ноқобил фарзанд улар бўйнидан бўғиб турувчи илондир.

Байт:

**Инсонсан, сен учун одоб керакдир,**
**Йўқса барча сендан озору, безор.**
**Ноқобил ҳар фарзанд**
**бошгадир кулфат,**
**Ота-она ундан бир умрга хор.**

## КУНДА БИР ҚЎЙ СЎЙИЛДИ

*Ҳангома*

Кутилмаганда Турсунбойнинг уйига тоғли қишлоқдан Тантибой ака болалари билан меҳмонга келди. Турсунбой ўтган йили дўсти Салимбой билан унинг қишлоғида меҳмонда бўлган. Ўшанда Тантибой ака уларнинг шарафига катта қўчқор сўйганди. Турсунбой бу ҳимматни кўриб, ҳожати йўқ, деганди.

— Э, нима деяпсиз ука, меҳмон туққандан азиз. Бизда таомил шундай. Мени бекорга Тантибой демайдилар. Ишим ҳамиша исмимга монанд. Шаҳардан меҳмон келса, бозорга югуриш, — деб ҳамқишлоқларининг олдида керилган эди. Гапини бировга бермайдиган, шаънини ерга уришга йўл қўймайдиган Турсунбой ҳам катта кетворган эди.

— Тантибой ака, беш қўл баравар эмас. Агар бизникига меҳмонга боргангиз, кунда бир қўй сўяман. Шундай қилмасам номард бўламан! — деб қасам ҳам ичиб юборганди.

Ана ўша меҳмон келди. Энди нима қилиш керак? Шарманда бўлиш ёмон. Агар айтганини қилмаса, Тантибой ака қишлоғида Турсунбой мақтанчоқ номи дув-дув гап бўлиши аниқ. У ерга умрбод қадам қўя олмайди, албатта.

Турсунбойнинг бошида минг хил хаёл чарх урарди. Шаънига доғ туширмаслик йўлини излади. Хотини овқатга гўшт қолмаганини, қўшниси Жалил қассобдан олиб чиқишини айтди. Хотинининг бу айтган гапидан миясига лоп этиб зўр фикр келди. Ён қўшниси Жалил қассоб кунда иккита бўлмаса, битта қўй сўяди. Бу ишини ҳовлимизда қилса, кунига гўштидан олишини, ёрдам беришини ваъда қилса, йўқ демас.

Жалил қассоб гилосга боғлаб қўйган тарғил қўйини сўйишга тараддуд кўраётган экан. У билан одатдагидек қўл бериб эмас, қучоқлашиб кўришди. Бор гапни тушунтирди, ялиниб-ёлворди ҳам.

Девор-дармиён қўшни бўлгандан кейин Турсунбойнинг сазасини ўлдириб бўладими. Рози бўлди, сирни ошкор қилмасликка ваъда ҳам берди. Турсунбой эса қўйни етаклаб ҳовлисига олиб кирди. Хотини ва болаларини ишга солиб, қўй сўйиш учун зарур бўлган барча ишларни тезда тахт қилди. Уйда ўтирган Тантибой акани чақириб, ҳатто фотиҳасини ҳам олди. Жалил қассоб ўз ишини бошлади.

Кунда бир қўй сўйила бошланди. Орадан тўрт кун ўтгач Тантибой ака Турсунбойни бағрига босиб шундай деди:

— Ука чиндан ҳам мард, танти йигит экансан. Шунча кун турдик, айтган сўзингнинг устидан чиққанлигингни кўрдик: сенга минг тасанно ва қуллуқ. Биз энди қишлоққа қайтамиз. У ерга борганимда энди отимни бошқа қўяман.

**Карим РАҲИМ**

## *Ажойиботлар*

### ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ГАПЛАШАДИ

Италиялик ихтирочи Валерио Санфо жуда ғаройиб асбоб ясашга муваффақ бўлди. У ясаган асбоб ўсимликлар билан бемалол сўзлашиши мумкин. Бунинг учун ихтирочи ўз қурилмасининг электродларини ўсимликларга улайди. Шунда қурилма ўсимлик танасидан «шифрланган овоз»ларни қабул қилади ва тезда таржима қила олади. Маълум бўлишича ўсимликлар ҳам «иссиқ», «совуқ», «ташнаман» сингари тушунчаларни ўз «тил»ларида баён қилар экан. Буни Милен дорилфунунининг таниқли ботаниги Клевдио Лонго ҳам тўла тасдиқлади. Унинг фикрига кўра, ўсимликлар ўзига хос чарсиллаган товуш чиқаради. Бу хилдаги чарсиллашлар эса юқоридаги каби маъноларни ҳал этаркан. Чинакам ажойиб!

### БОШ ОМОН БЎЛСА...

Япония парламентининг қуйи палатаси биноси ғаройиб усулда қурилган бўлиб, яъни бинонинг лифти шишадан. Аслида бу мамлакатда ер силкинишлари тез-тез такрорланиб туради. Шу сабабли залдаги ҳар бир ўриндиққа қутича ўрнатилган. Қутичанинг қандай хусусияти бор экан, деб ўйлаётгандирсиз. Унинг ҳосияти шундан иборатки, агар парламент мажлиси бўлаётган пайтда ер қимирлаб қолса, ҳамма ўша қутичани бошига кийиб олади. Ахир, «Бош омон бўлса...» деган мақолнинг маъносини улар ҳам билишса керак-да.

## *Бўш вақтингизда*

## БОШҚОТИРМА



**Ейлар бўйича:** 1. Хўл мева. 2. Тола ва мой олинадиган экин. 3. Автомобиль кузови қисми. 4. Узум нави. 5. Шойи толаси ашёси. 6. Алишер Навоий таваллуд топган шаҳар. 7. Қуруқ мева. 8. Йилнинг қирқ кунлик даври. 9. Муассасанинг пул маблағлари билан шуғулланувчи бўлими. 10. Синф жиҳози. 11. Мумтоз қўшиқ. 12. Қадимда қўлланилган тахминан 50 граммга тенг ўлчов бирлиги. 13. Маълум ҳудудга хос об-ҳаво. 14. Кунботар пайт. 15. Ватанимизга чегарадош давлат пойтахти. 16. Юза бирлигига тўғри келувчи куч. 17. Дарё бўйи. 18. Емирувчи бўрон. 19. Металл. 20. «Комде ва Мудан» асарини ёзиб қолдирган шарқ халқларининг мумтоз шоири.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Китоб саҳифаси — 16, 17, 10.
2. Қазилма ёқилғи тури — 3, 6, 5, 2, 7.
3. Ўрта аср туркий халқларидаги ҳукмдорлик унвони — 14, 11, 12, 11, 4.
4. Ироқ пойтахти — 16, 1, 18, 8, 11, 8.
5. Ғалла экини — 13, 15, 9, 2.

Очқич сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган олим, файласуф шоир Умар Ҳайём меросига мансуб икки мисра ҳикматни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

### ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 18 ИЮЛЬ СОНИДА БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Кадр. 2. Коса. 3. Кюри. 4. Кедр. 5. Купе. 6. Корт. 7. Курс. 8. Кипр. 9. Кимё. 10. Курд. 11. Кеча. 12. Кема. 13. Карт. 14. Кўча. 15. Крем. 16. Карп. 17. Кран.

**Ҳикмат: Нон бор ерда — даврон бор.**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 310-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Вахитов Дилшод Искандарович номига берилган O"R-A № 882533 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-547. Топширилди 12.35 1 2 3 4 5 6